

## Уч давлат муфтийлари муҳим масалаларни муҳокама қилди



12:04 / 20.10.2023 1100

Маълумки, шу кунларда Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро анжуман доирасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Миср Араб Республикаси муфтийси, профессор Шавқий Иброҳим Аллом жаноблари ва Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозода билан муҳим масалалар юзасидан мулоқот ўтказдилар.

Дўстона руҳда ўтган учрашувда конференция юқори даражада ташкил этилгани ва аҳамияти ҳақида сўз юритиш баробарида ҳозирги кунда мусулмон уммати олдида турган долзарб масалаларга тўхталдилар.

Шунингдек, мулоқот чоғида Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозода Ўзбекистон Президенти томонидан сўнгги йилларда ватан, халқ ва дин равнақи йўлида жуда катта ишлар амалга оширилаётганига урғу қаратди. Бундан ташқари, у Шайхулислам даражасига етишда Тошкент ва Бухородаги устозлари, сафдошлари ва билим даргоҳларининг ўрни ниҳоятда беқиёс эканини изоҳлади.

Самимий мулоқот чоғида муфтийлар халқаро анжуманда муҳокама қилинган масалалар, билдирилган таклифлар таҳсинга лойиқ экани ва уларни амалиётга жорий этиш жуда катта самара беришини алоҳида қайд этдилар. Шунингдек, томонлар келгусидаги истиқболли режалар, ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар ва анжуманлар ҳақида фикр-мулоҳаза алмашдилар.



